





**«Мен Қуръондан ҳеч нарсани (ёд) олишга қодир бўла олмаяпман. Менга кифоя қиладиган нарсани ўргатиб қўйинг», деди.**

**У зот:**

**«Субҳаналлоҳи, валҳамду лиллаҳи ва лаа илааҳа иллаллоҳу, валлоҳу акбар ва лаа ҳавла ва лаа қуввата илла биллаҳил алиййил азийм», дегин», дедилар.**

**«Эй Аллоҳнинг Расули, бу Аллоҳ учун. Мен учун-чи?» деди.**

**«Аллоҳуммарҳамни варзуқни ваъафини ваҳдини», дегин», дедилар.**

**У ўрнидан тураётиб, икки қўли билан мана бундай қилди.**

**Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам:**

**«Аmmo мана бу икки қўлини яхшиликка тўлдириб олди», дедилар».**

*Абу Довуд ва Насаий ривоят қилганлар.*

Аввало ҳадиснинг ровийси Абдуллоҳ ибн Абу Авфо розияллоҳу анҳу билан танишиб олайлик:

Абдуллоҳ ибн Абу Авфо розияллоҳу анҳунинг кунялари Абу Муовиядир. Бу зот Ҳудайбия сулҳи, Ризвон байъати, Хайбар ғазоти ва бундан бошқа маъракаларда иштирок этдилар.

Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам вафот этгунларича Мадинада яшадилар. У зот соллalloҳу алайҳи васалламнинг вафотларидан сўнг Куфага кўчиб ўтиб, ана шу ерда истиқомат қилдилар.

Бу зотнинг Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламдан ривоят қилган ҳадисларини Исмоил ибн Абу Холид, Абдулмалик ибн Умайр, Саома ибн Куҳайл, Шаъбий, Абу Исҳоқ, Шайбонийлар ривоят қилдилар.

Абдуллоҳ ибн Абу Авфо розияллоҳу анҳу ҳижратнинг 86-йили Куфада вафот топдилар.

**«Эй Аллоҳнинг Расули, бу Аллоҳ учун. Мен учун-чи?»** жумласи бу ўргатган нарсангиз Аллоҳнинг зикридан иборат. Мен ўзим учун сўрайдиган нарсам қани, дегани бўлади.

**«У ўрнидан тураётиб, қўли билан мана бундай қилди»** дегани икки қўлини кўтариб, ҳар бир калимани айтганда биттадан бармоғини юмди ва охирида ҳаммасини жамлаб, «ёдлаб олдим» деган ишорани қилди.

Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Қуръон ёдлашга қодир бўлмаган одамдан ҳам намоз соқит бўлмаслиги.
2. Қуръон ёдлашга қодир бўлмаган одам намозни қандай адо қилиш йўлини ахтариши зарурлиги.
3. Қуръондан керагича ёд олгунга қадар бошқа зикрни айтиб, намоз ўқиб туриш лозимлиги. Умуман ёд ола билмаса, доимо ўша зикрни айтиш.
4. Намозда қилинадиган зикрнинг Аллоҳ учун ва банда учун алоҳида қисмлари бўлиши.
5. Қуръон ёдлай ололмай, намозда унинг ўрнига бошқа зикр айтган одам ҳам яхшиликка эришиши.

Ҳанафий мазҳабида «Фотиҳа сурасини ўқишдан ожиз одам уни ёдлаб олгунга қадар ўз тилида маъносини ўқиб турса ҳам жоиз», дейилган.

**«Ҳадис ва ҳаёт» китобининг 5-жузи**

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2024 йил 23 январдаги 03-07/362-рақамли хулосаси асосида тайёрланди.